

* Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт ИШ ЖОЙИ — ХОНАДОН

«ЛЕВЕНТУЛЬ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан, Киров районидagi Мирзо Юсуф маҳалласи клуб-чойхонаси қошида касаначилик кичик цехи ташкил қилинган эди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин цех аъзоларининг сони 110 кишига етди. Касаначиларнинг уйларидаги тикув машиналарига мосламалар ўрнатиб берилди.

Районда яшовчи кўп болали ҳамда иккинчи сменага ишга қатнашга имконияти бўлмаган аёлларга касаначилик айти мудида бўлди. Бу дастгоҳлар ёрдамида салфетка, сочқилар, чойшаблар тикилиб, турли бежирим ҳошиялар билан безатилмоқда.

— Уйда иш тикишнинг қатор қулайликлари бор. Биринчидан, уйда катта-кичикнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўласиз. Болаларнинг таълим-тарбияси назоратда бўлади. Ешлар ҳам бўш вақтида сизга қарашиб иш ўрганади. Яна бир томони онлага иқтисодий ёрдам бўлади, — деди биз билан суҳбатда уйда аёло сифатли иш бажарётган касаначи Раҳима опа Пўлатова.

Иш бошқарувчи Саъдулла Абдуллаев айрим чеварлар ойига 830 сўмгача маош олишга тгани ҳақида гапириб берди.

Мақсуд Халилова, Раҳима Пўлатова, Маҳсума Низомова, Гулшона Мирзеева, Жумагул Мадримова каби касаначилар сифатли ва унумли ишлашмоқда. Ҳа, касаначилар ўз меҳнатлари билан халқимизга кенг истеъмол молларини етказиб беришга ўз ҳиссаларини қўшаётганларидан мамнун бўлмоқдалар.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

* Мақтублардан сатрлар ИЛК ВАЗИФАЛАР

ҚУЙЛИҚ даҳасининг 6—7 мавзесида янги Абдурахмон Жомий номли маҳалла комитети тузилди. Унга меҳнат фахрийси Юнусбек Тўлаганов раис этиб сайланди. Маҳалла фаоллари аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини белгилаб олишди. Яъни,

ариқларга сув келтириш, ахлат йиғиштирадиган машиналар ишини назорат остига олиш, сартарошхона очиш ва қариялар учун чойхона қуриш масалаларини муҳокама қилишди.

Нодира АБДИРИМОВА,
Сирғали райони.

ИССИҚ НОН

СОБИР РАҲИМОВ райондаги «Ривож» маҳалла комитети раиси Исмоил Усмонов ташаббуси билан «Иссиқ нон» тандирхонаси

қурилди. Ҳозир новвойлар тайёрлаётган нондан қўшни маҳаллалар аҳли ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Ботир ТИЛЛАХУЖАЕВ,

ЖАМҒАРМА СОВҒАСИ

ГУЛНОРА ва унинг синглари Амина, Орифа, Малоҳат ҳамда укаси Адҳамжонлар турли болалар уйларида тарбияланишган. Гулнора балоғат ёшига етгач, ишга жойлашди. Жигаргўшаларини болалар уйида олиб, улар билан бирга яшашга қарор қилди. Сир-

ғали райони «Дўстлик» даҳасининг 26-уйидан уларга навбатдан ташқари турар жой ажратилди.

Яқинда республика болалар жамғармасининг шаҳар бўлими ходимлари уларга 2,5 минг сўмлик тикув машинаси совға қилишди.

Норбек УСАНОВ.

МАҲАЛЛА ҲИСОВИДА

«ВИСОЛ» номли маҳалла фаоллари Боқижон Тўлаганов, Назир Ориповларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўн икки нафар кам даромадли ва уруш ногиронларига маҳалла ҳисобидан 300 сўмдан пул улашилди. Шунингдек, бахтсиз тасодиф туфайли бир одамнинг уйи ёниб кетганди. Бу онлага ҳам

200 сўм миқдорда пул ажратилди.

Бир қарашда бу арзимасдек туюлади. Аммо одамларнинг бир-бирларига эътиборлари ортиб бораётганлиги кишини хурсанд қиладди.

Султонмурод УМАРОВ,
Ҳамза райони.



Фахрийлар бор — маҳаллаларда
файз бор, борака бор. Уларнинг ҳаёт

йўллари ёшларга ҳамisha янрат.
Рустам Шарипов сурати.

ЕҚУБЖОН «Себзор» даҳаси, 17—18-мавзесидagi, ўзи яшаётган 32-уй ортидан кўни-кўшнилари қатори ер олди. Уни ҳар хил чиқиндилар, тупроққа аралашиб ётган бетон қоришмалари, гишт парчалари, тош-шағалдан тозалаш қийин кечди.

— Шаҳар жойида — кўп қаватли уй шароитида экин ўстириш жуда қийин, — дейди Еқуб Муҳаммедов. — Бу қийинчилик асосан сув билан боғлиқ. Мен бир парча еримни тўртинчи қаватдан сувичак орқали суғоришга мажбурман. Бошқалар ҳам шундай қилишяпти. Мана бу бетон ариқчадан эса — у экинзорининг ёнидан ўтган

* Инсон қўли тул

ШАҒАЛ

ЕРДА БОҒ

ариқчага ишора қилди, — ўрнатилгандан буён сув оққанини эслолмайман. Ҳозир шаҳардаги барча бетон ариқчалар аҳоли бир хил, Ҳолбуки, буларга озмунча харажат сарф қилинганми? Оқибатда ичимлик сув ис-

роф бўлишидан ташқари, тупроққа ҳам зиён етказилмоқда. Ичимлик сув турли унсурлар билан бойинган оқар сув қувватини беролмайди. Буни асослаб берайин. Шу бир парча ерда ток ва гипос, олма, ўрик, тут дарахтлари ҳосил берапти. Узи икки дарахт ўтқазилдиган ерда ўнта дарахт этиштирганман. Аммо ҳосили ниҳоятда тотсиз.

Шундай экан, ободонлаштириш, сув таъминоти ташкилотлари каби бошқа мутасаддилар кўп қаватли уйлар учун ажратилган ерларни суғориш масаласини ўйлаб кўришлари керак.

Зиёдулла ҲАҚБЕРДИ.

* Меҳнатнинг таби роҳат

ШАҲАРЛИК ДЕҲҚОН

«Дўмробод» маҳалласи шаҳар ҳисобига ўтгандан кейин асли деҳқон бўлган Ҳомил ота Мурзаев фарзандлари билан етти сотихдан иборат томорқаларида меҳнат қила бошладилар. Маҳалла ҳудудига бирин-кетин кўп қаватли уйлар қурила бошлади. Турли миллат вакиллари кўчиб келишди. Аҳолининг сабзавот маҳсулотига бўлган талаби кескин ортди. Буни қалбан ҳис қилган Ҳомил ота учун фақат ўз томорқасидан чиқадиган маҳсулот қониқтирмасди.

Бир кун у Занги ота (собиқ Калинин) районининг шаҳарга яқин бригадасига борди. Бу ерда кузги ишлар бораётганди. У тепаликка чиқиб, шудгорланган ерга қараб, деди: «Мана бу ерга картошка, анави ерга эса помидор экилса, яхши ҳосил олинади» деди. Унинг бу гапидан бригадир ажабланди. «Қизик, — деди у шаҳардан деҳқончилик қилиш учун келган Ҳомил отага. — Бу ерга биринчи мартаба келишингиз бўлса, ернинг таркибини қаердан била қолдингиз. Мен ўн саккиз йилдан бери шу ерда деҳқончилик қиламан. Ҳаётим-

да кўп деҳқонларни кўрдим. Шаҳардан келиб, бир-икки йил ишлаб, кетиб қолган ёки чўнтаги қаппайгунча пиёз экиб, ҳар хил захарли химикатлар сепиб, ер таркибини бузиб кетганлар билан бирга ишлашга тўғри келди. Уйлайманки, сиз унақалардан эмассиз. Деҳқончилик қилмоқчи экансиз, хоҳлаганингизча ер ажратиб берамиз».

Уша йили Занги ота райони, Навоий номли жамоа ҳўжалигидан Ҳомил ота бир гектар ерга экин экди. Эртаки экиннинг ўзидан йигирма минг даромад қилди. Шушу 1970 йилдан буён мазкур жамоада деҳқончилик қилади.

Маҳалла ҳудудига деҳқон бозори ташкил этилишида Ҳомил отанинг хизмати катта. Бу ташаббус шу кишидан чиққанди. Бундан ташқари, иккита сабзавот маҳсулоти сотиладиган дўконда ҳам Ҳомил ота сингари деҳқонлар меҳнатлари туфайли этиштирилган маҳсулотлар сотиляпти.

Илҳом ЯУЛДОШЕВ,
Чилонзор райони.

«СУЗУҚ ОТА» ва «Учқун» маҳаллалари фаоллари йиғилишиб, ўз ҳисобларидан хонадонларга телефон ўтказишни маслаҳатлашди. Уларнинг бу таклифи аҳолига ҳам маъқул бўлди.

— Бу ишга бир маҳалла аҳли киришганда улар учун анча қимматлик қиларди, — дейди «Сузуқ ота» маҳалла комитети раиси Сандрасул Насриддинхўжаев. — Киши сони кўпайгани учун ҳам телефон ўтказишда одам

* Ташаббус

ЎЗЛАРИ ТЕЛЕФОН ЎТКАЗИШДИ

бошига тушадиган маблағ шунча кам бўлди. Амалга оширилган ишдан биз ҳам, ширкатчилар ҳам хурсанд. Аммо аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари ходимлари энди барча маҳаллалар аҳли, хонадонларига ўз ҳисобларидан телефон ўтказишади, деган хулосага келмасликлари керак.

Назиржон ҲОЖИМАТОВ,
Октябр райони.

«Чилонзор» ва Собир Раҳимов номидаги метро бекатлари оралиғида «Мевазор» маҳалласи жойлашган. Маҳалланинг икки томонида «Катта Қатортол» ҳамда «Халқлар Дўстлиги» шоҳкўчалари — автомобиль қатнов йўллари ўтган. «Халқлар Дўстлиги» шоҳкўчаси ёқалаб «Учқулоқ» анҳори оқади. Бу анҳор «Мевазор» маҳалласига келганда уч қисмга бўлиниб, унинг бир тармоғи — «Бўрижар» анҳори 114-мактаб ёнидан оқиб ўтади. Бу анҳор ён-атрофга, айниқса, маҳалла табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, баҳор, ёз фаслларида тўлиб оқади ва теваракка салқинлик беради.

1960 йиллари бу жойлар «Москва» жамоа хўжалиғига қарашли бўлиб, экин экинмайдиغان (фойдаланилмай ётган), баъзи жойлари бедаядан иборат қаровсиз ер эди. Аммо бу ерда ҳам 5—10 хонадон яшаган. Ҳар бир хонадоннинг мевали дарахлари, катта-катта боғлари бўлган (ҳозирда атрофнинг иморатлар ўраб олган «Бўрижар» ҳам ташландиқ сертепа жойлар эди). Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида бу жойлар 1960 йилдан шаҳар ҳисобига ўтган.

1962 йиллардан бошлаб одамларга уй қуриш учун ер ажратила бошланди. 1966 йилдаги зилзила эса бу нечаётган жараёнга янада катта туртки бўлди. Шаҳар марказларида яшайдиган аҳолининг асосий қисми ҳам бирин-кетин кўчиб кела бошлади. Қатортол кўчасининг давом эттирилиши натижасида Нўғайқўрғон атро-

фида яшаган ўзбеклар ҳам шу ерга кўчирилди. Яқинда шаҳарликлар яна бир янги лойиҳа — «Мевазор»нинг деярлик жўрофик нуқтаи назардан эътиборсизларча қуриб битирилаётган маҳалла сайлини ўтказдилар. Бу маҳалла — «Урикзор»дир. Боғроғларимиз йўқолиб кетмасин, ташландиқ ерлар келажакда мевазор жойлар бўлсин деб, маҳаллага «Мева-

*** Маҳалланинг тарихини биласизми?**

**«МЕВАЗОР»
НОМИГА
МУНОСИБ
БЎЛСИН**

зор» номи қўйилганидек, кўчаларга ҳам «Ҳосилот», «Иқтисод», «Токзор» (бу ерларда Раҳматбой деган бир боининг катта узумзорлари бўлгучи эди), «Яккабоғ», «Боғобод» номлари берилган (аммо ҳозирда сўнгги икки кўча Ш. Ғуломов номли маҳаллага қарашли). Шулар қаторида юртимизнинг аллома шоири Бобораҳим Машраб номи ҳам маҳалланинг «обод» номлари берилган Маҳаллада муаммолар ҳам

йўқ эмас. Авваллари, яъни 70-йиллари «Бўрижар» анҳоридан балиқлар ҳам сузиб юргувчи эди. Бироқ, сувнинг ифлосланиши натижасида булар ҳам барҳам топди. Айниқса, корхоналарнинг ноўрин жойлашиши, сувни ифлослантириш натижасида шаҳардаги шароит ёмонлашишига ва юқоридаги муаммоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлди. «Халқлар Дўстлиги» шоҳкўчасидаги кўп қаватли уйлardan ҳар хил чиқиндиларнинг сувга ташланиши нафақат сувни, балки атрофнинг ҳам ёмонлашишига олиб келди. Натижада «Бўрижар» сувидан тўлиб оқадиган ариқлардан сув ичган мевали дарахлар ҳам зарар кўряпти. Маҳалладаги кўпгина дарахларга қуртлаш касаллиги теғди. Эндиликда деярли барча ариқлар сувсиз, баъзилари эса нўмиб ташланган. Сабаби, сувнинг ифлосланиши, нишабни ҳисобга олинмаганлигидир.

Ҳозирда кўпчилик хонадонларда сув қувурлари ерга сингиб бориши натижасида ер ости сатҳининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ариқ масаласига келсак, ҳозир ёғатган ёгин-сочинлар ҳовуз-ҳовуз бўлиб тўпланиб қолаётти. Баъзи кўчалардан (айниқса, 35-ётоқхона атрофи) сув кечиб ўтишга тўғри келади.

Шароит ҳисобга олинмасдан бўш жойга «Бухоро» чойхонаси қурилган эди. У сўнг беркитилди. Сабаби, бино чўккан, деворлари ёрилиб кетган. Мана, уч йилдирки, қандай бўлса шундайлиғича ётибди.

Муҳаббат ҚОДИРОВА.



«Бешик боласи — бек боласи». Бу удумни аяқонларимиз авлоддан-авлодга етказиб келмоқдалар.

Нуъмон Муҳаммадҷонов сурати.

— Маҳалламизнинг тоши ҳам, гиёҳи ҳам, уйи-жойи, кўчалари, ҳамма-ҳаммаси менга муқаддас, — дейди Шухратжон Юсупов.

У билан узоқ суҳбатладик. Сирғали районидagi «Кўшқўрғон» маҳалласини биргалашиб айланиб чиқдик. Сўнгги йилларда маҳаллада амалга оширилган ишлар билан танишдик. Кўчалар асфальтланиб, бетон устунлар ўрнатилди. Ҳар бир устунда ёриткич бор. Ариқларга эса қувурлар ўрнатилди. Зилол сувнинг тиниб оқиши дилни яйратади. Бу ерда Убай Маҳмудов номидаги мактаб

*** Бу киши биздан
ҚЎШҚЎРҒОНЛИК
ФАОЛ**

қурилиб, ишга туширилибди. «Кўшқўрғон» чойхонаси таъмирланибди.

Аҳолининг узоғини яқин қилиш борасида 26-трамвай қатнови маҳаллагача узайтирилиб, ишга туширилибди. Бу ерда «Одобнома» маърифий тўғараги фаолият кўрсатаяпти экан. Аҳолининг 30 га яқин турли ёшдаги фуқаролари

Асом Ҳакимов раҳбарлигида машғулотлар ўтляпти. Эски ўзбек тили ўқитилмоқда.

Маҳаллага яқинда телефон ҳам келтирилди. Газ бор, қувурлар марказий қувур йўналишига боғланган.

Шухрат Юсупов қарийб 20 йилдан бери маҳалланинг фаолларидан бири саналади. Маҳалланинг катта-кичик

ишларида у фаол қатнашиб, эл ҳурматини қозонган.

Шухрат аканинг касби ўқитувчи. Шу соҳага эсини танибдики, меҳр қўйибди. Аввал Индуриал техникуми, сўнг Низомий номидаги муаллимлик олийгоҳининг тарих-жамиятшунослик куллийтини битирибди. Узоқ йиллар ўзи ўқиган техникумда, ҳозирда эса жумҳурият халқ таълими вазирлиғига қарашли хунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш олийгоҳида тингловчиларга дарс ўтмоқда.

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.

**ШАЪНГА ДОҒ
ТУШМАСИН**

Яқинда Октябрь райони, «Боғ-кўча» маҳалласига қарашли Беруний номли кўчада турувчи Н. П. нинг уйида ўғирлик юз берди. Уғрилар уй эгаси йўқлигидан фойдаланишган. Куппа-кундузи дераза панжарасини лом билан қайириб, хонага киришгану 350 сўмлик магнитофон, 910 сўмлик аёллар кийимини ўғирлаб чиқишган. Узоқ текширувлар натижасида жиноятчилар аниқланди. Уғрилар шу маҳаллада турувчи, ҳали вояга етмаган М. У. ва Р. Т. лар экан. Жиноятчилар суд қилиниб, ҳар иккаласини ҳам уч йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилди. Аммо «Боғ-кўча» маҳалласи фаоллари ёшларни ўз қарамоғларига олажақларини билдиришган, ҳукм ижроси икки йилга кечиктирилди.

— Бировлар мулкига кўз олайтириш одатий ҳолга айланиб қолди, — дейди Октябрь райони прокурори ёрдамчиси Ойша Шарипова шу жиноят юзасидан мулоҳаза юритаркан, — айниқса, иқтисодий танглик сезилган бир шароитда бу янада авж олди. Кимдир тушуниб, кимдир тушунмай ўғирлик қилмоқда. Биз «Боғ-кўча» маҳалласида юз берган жиноятнинг сабабларини ўрганиб чиқдик. Судланганлар моддий жиҳатдан муҳтож бўлишмаган. Бу — уларнинг саёқ юришлари оқибатидир. Бундан эса оила, мактаб, маҳаллада тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаган, деган хулоса келиб чиқади.

Суддан кейин «Боғ-кўча» фаоллари маҳалла шаънига доғ бўлиб тушган хунук воқеани ўзaro муҳокама қилишди. Жиноят содир этган икки ёшнинг мактаб ва оиладаги юриш-туришини қатъий назорат қилиб боришни маҳалла фаоллари ўз зиммаларига олишди.

Иззат АҲМЕДОВ.

*** Ҳуқуқшунос бурчани
МАРҲАМАТ, СЎРАЙВЕРИНГ**

Ҳ. ҲАМИДОВА: Мен ёлғиз нафақахўрман. Эшитишимча, ўзгалар ёрдамига муҳтож нафақахўрлар транспортда юришда, квартира ҳақи тўлашда, дори-дармонларни харид қилишда маълум имтиёزلарга эгадирлар. Айтнингчи, озиқ-овқат масаласида ҳам ёрдам бериладими?

ЖАВОБ: Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрларга имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомда (Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил, 28 майдаги 145-сонли қарори) кўрсатилишича, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар нафақа гувоҳномасининг қўшимча варағи асосида район, шаҳар ижроия қўмитасининг ёки корхонанинг (уй идорага қарашли бўлса ҳам) уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти томонидан квартира ва коммунал хизмат учун ҳақ тўлашдан озод қилинадилар. (Бу ҳақда шахсий ҳисобга ёзиб қўйилади. Улар жамоат транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эгалар. Нафақа гувоҳномаси ва унинг қўшимча варағи транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Дори-дармонларни бепул беришни ҳисобга олиш СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан тасдиқланган «Баъзи тоифадаги беморларни амбулатория шароитида даволашни ташкил этиш ва дори-дармонларни бепул беришни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» 1965 йил 9 августдаги йўриқномага асосан амалга оширилади. Яшаш жойи бўйича бириктирилган ёлғиз нафақахўрларга, хизмат кўрсатувчи дўконда тасдиқланган рўйхатдаги молларни белгиланган миқдорда бепул бериш учун улар рўйхатга олиндилар ва шу мақсадлар учун тўтилган махсус дафтарга ёзиб қўйилди. Ёрдамга муҳтож ёлғиз нафақахўрларга минимал нормада ун (3 килограмм), ўсимлик мойи (0,5 кг), макарон—(0,25 г), гуруч (0,8 грамм), чой (0,1 грамм), тухум (10 дона), қанд, шакар — (0,8 килограмм), синтетик ва ювиш воситалари (200 грамм) каби энг зарур моллар бепул берилади.

Демак, сиз ҳам бундай имтиёزلардан фойдаланишингиз мумкин.

Абдужалил ҲАСАНОВ.



«Қўлларингиз дард кўрмасини келияжон!» — Қайнонанинг шундай ширин дуоси янги хонадонни чароғон этади. Равиль Альбеков сурати.

Мен деярли ҳар куни уни бир бор эслайман. Айниқса, Комилжон ака яшаган уй ёнидан ўтсам, унинг кишига меҳр-муҳаббат билан боқувчи кўзлари кўз ўнгимда намоён бўлади. Бир вақтлар бу кўчалар Комилжон Отаниёзов туфайли жуда гавжум эди. Ҳовлиси ёнидан машиналар аримасди. Республикамызга довуғи кетган таниқли кишиларни шу кўчаларда кўрардик. Катта саҳналарга маҳалламиздан чиқиб борган ҳофиз билан барча фахрларди.

Бир куни отам менга, «Юр, Комилжон акангни тўйингга таклиф қилиб келамиз», дедилар. У киши бизни қадрдонлардек қарши олдилар. Шунда отам билан ҳофиз ўртасида шундай суҳбат кечди:

— Шу мулла йигитнинг тўйини ўтказиб берасизми, деб келгандик, — дедилар отам.

— Нега энди «ми» қўшимчасини ишлатиб гапирарсиз, — деди самимият билан ҳофиз.

— Энди сизга ўхшаган ҳофизларнинг вақти белги бўлади. Ҳалиям юз андиша билан келдим олдингизга.

— Тушунганнинг садаҳаси кетсанг арзийди. Ҳали баъзи бировлар тўйларига боролмаслигини айтсам хафа бўлишади. Кўнглимни оғритиб кетадиганлари ҳам топилади. Шундай пайтларда элга хизматим ҳам ўзига яраша бўлади. Саҳнага чиққанимда кўз олдингда совуқ қиёфаларнинг гавдаланиши жуда ёмон-да! Майли булар ўтинчи гаплар. Тўйингизга келсак, бораман. Мулла йигитнинг ўзлари келибдилар, бормаё бўлади-ми?..

Айтганларидай, тўйга келдилар. Ашула бошлашдан олдин мен билан бўлажак рафиқамни қутладилар. Тўйда билдирган тилакларидан бир жумласи сира эсимдан чиқмайди. «Ота-онангиз туриб гапириса туриб, ўтириб гапирсалар ўтириб, уларнинг сўзларига қулоқ солишлар» дедилар ўшанда. Бу гапнинг маъноси ниҳоятда чуқур эканлигига ҳаётимиз давомида кўп бор амин бўлдик.

Комилжон ака ўзини билган, таниган ҳар бир маҳалла аҳли кўнглига из қолдириб кетган. Унинг камтарлиги, элга аралашувчанлиги ибрат бўлгудек эди.

Абдулхай АҲМЕДОВ, ҳофизнинг ён қўшниси: — Уйингизга бир меҳмон келса, кутасиз. Иккинчи бир меҳмон келса ҳам кутасиз.

Шу куни учинчиси, тўртинчиси келса-чи? Уларни ҳам кутасиз. Аммо ўзингизда аллақандай безовтали сезасиз. Эркак кишига ҳеч нарса эмас. Лекин бунақа шароитда уй бекасининг бағри ниҳоятда кенг бўлмоғи керак.

Комилжон ака билан ён

қўшнимиз. Ақлимни танибманки, уларнинг уйдан меҳмон ариганини кўрмаганман. Комилжон ака ҳовлидаги супада ўтириб, доим ким биландир суҳбат қилиб ўтирарди. Ожизалари Имсиной опа Полвон қизи назаримда эртдан-кечгача меҳмон кутардилар. Бардошларига балли.

Бир куни Комилжон ака менга насиҳат қилиб дедилар: «Инсонда бахт насиб этмоғи учун унда тўрт нарса

да, ўйчанлик билан: «Ажаб, ажаб, хўп ажаб» деб бейтӣр такрорлардилар.

Комилжон ота ҳиммати баланд инсон эди. Кейин у у киши кўпчилик олдида ўзларини мурувватли кўрсатишни ақтирмасдилар. Масалан, тўйчига қилган инъомларини бошқалар билишмасди. Уйлارга ўзлари танимаган одамлар келиб, пул сўраса ноумид қайтармасдилар. Бунинг кўп бор гувоҳи бўлганман.

*** Ёдномалар**

**ХАЛҚ ТАН
ОЛГАН ҲОФИЗ**



бўлиши керак. Соғлиқ, баркамоллик, меҳнатсеварлик ва оилавий тинчлик. Бу хусусиятларнинг бири бўлмаса киши бахтли бўлолмайди». Кейин ўйлаб қарасам бу хислатлар Комилжон аканнинг ўзида муҳайё экан. Ичмасдилар, чекмасдилар ҳам. Имсиной опа туфайли уйларида ҳам тинч эдилар.

Шермухаммад МАШАРИПОВ, Комилжон аканнинг невараси: — Комилжон ота жуда кўп кишига меҳр кўрган. Ота-онанинг оила қуришларида ҳам шу одам бош бўлган. Маҳалламиздаги Эргаш аканнинг ўйли-жойли бўлишида Комилжон отанинг хизматлари катта. Шунинг учун мен қаерга бормамай, Комилжон аканнинг Тошкентдаги невараси бўлман, деб фахрланиб айтаман. Мен бувамга жуда эркаланардим. Баъзан маҳалла кўй тўйларига мени етаклаб чиқардилар. Тўйга, «муборак бўлсин»га чиқсалар ҳам одамлар ашула айтиб беришларини сўрардилар. Уйдан торни олиб келишни менга буюрардилар. Чоп-қиллаб уйга бориб келардим.

Мен у кишини хурсанд ҳолда ҳам, хафа ҳолда ҳам кўрганман. Севинганларида доим ниманидир хиргойи қилардилар. Ранжиганлари-

Кўпчиликка аёнки, Комилжон ака фақатгина ҳофиз бўлиб қолмай, шоир ҳам эдилар. Ўзлари ёзган шеърни куйга ҳам солардилар.

Мен ҳам Комилжон акага ҳавас қилибми, қўшиқ айтаман. Айниқса, у киши шеър ёзиб, куй басталаган бир қўшиқни кўп бор ижро этаман. У шундай бошланади:

Дам ғанимат дўстлар,
дўстдор ғанимат, дўстлар,
Ҳар нафас қадри билан,
меъёр ғанимат, дўстлар,
Очгай ул аммо кўзини
ағёр ғанимат, дўстлар,
Пиру устод, ақрабо,
Ғамхор ғанимат, дўстлар,
Ер ғанимат дўстлар,
дўстдор ғанимат, дўстлар,
Танда меҳмон жонимиз
зиндор ғанимат, дўстлар.
Комилжон аканнинг ҳаёт йўлига қараб, мен бир ҳақиқатга иймон келтирдим. Халқ ҳар қандай одамни ҳам тан олавермас экан. Ҳар бир айтиладиган сўзнинг илдизи қалбда бўлганидек, ҳар бир обрўли одамнинг муқаррар замини бўлади. Комилжон ака шундай муқаддас заминга эгаки, у умри бўйи халқ ҳурматини қозониб яшади.

Тойир ҚУЧҚОРОВ, Фрунзе райондаги Юнус Ражабий номли маҳалла комитети раиси.

*** Кекса юрак мавжлари**

**Тарк этмоқда
бардошларим**

Дилдан ортмас кўзимдаги ёшларим,
Ахир, кўринг қўлимда йўқ тошларим.
Жонимни тарк этмоқда бардошларим,
Юрак дардим тинглайдиган кишим йўқ.

Онасин севганга ҳавасим келар.
Отасин кўрганга ҳавасим келар.
Болалар уйда бу кўнглим тўлар,
Юрак дардим тинглайдиган кишим йўқ.

Нима десак беришади тонмайман,
Бегоналар ардоғига кўнмайман,
Ўз уйимда яшамасам — унмайман,
Юрак дардим тинглайдиган кишим йўқ.

Миржадол МИРЕҚУБОВ.

**Қир-адирлар
уйғонар аста**

Қир-адирлар уйғонар аста,
Сойлар тилга кирар оҳиста.
Қўлларда бор гул даста-даста,
Баҳор келди, ўйнаб-қулинглар.

Бободехқон даласида шод,
Бугун чўпон чўллари озод.
Орзу-армон йўллари қушод,
Наврўз келди, ўйнаб-қулинглар.

Дўсти ёрлар қилинлар ният,
Элга бўлсин барча ҳамият,
Бир-бирин десни инсоният,
Наврўз келди, ўйнаб-қулинглар.

*** Ҳикмат—бир ҳовуч олтин
ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР**

МАШОЙИХЛАР айтадилар: саккиз хил тонфа билан ўтирган кишида саккиз хил хислат пайдо бўлади: кимки бадавлат киши билан ўтирса, кўнглида бойлик ҳаваси пайдо бўлади; кимки дарвешлар билан ўтирса, зоҳидлик пайдо бўлади; кимки подшоҳлар билан ўтирса, манманлик ва турур пайдо бўлади; кимки аёллар билан ўтирса, ўзига маломат орттириб олади; кимки болалар билан ўтирса, савобат ва виқор кетади; кимки фосиқлар билан ўтирса, маъсият ва гуноҳ пайдо бўлади; кимки солиқ кишилар билан ўтирса тоғат пайдо бўлади; кимки олимлар билан ўтирса, руҳида мусавволик пайдо бўлади.

ИМОМ АЛИ ИБН МУСО АР-РИЗОНИНГ «Луълуъ ул-маънун» [Яширин марваридлар] китобидан.

— Энг аччиқ нарса нима, — сўради Эрон донишманди **БУЗУРГМЕХР**.

— Пасткаш, ибодат одамларга муҳтожлик, улардан қўланса сўзлар эшитиш, — деб жавоб берди **ҲИНД ДОНИШМАНДИ**.

Еш ҳар қанча бўлсин ишда ғайратли,
Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

Ҳусрав ДЕҲЛАВИЙ.
Ҳеч нарсага эришмаган одам хизмат туфайли тўрдак ўрни олишга эришади. Ҳеч нарсага ярамайдиган одам бирор ишга яраб қолса, пойгадан бўлса-да ўрни олади.
ЮСУФ ҲОС ҲОЖИБ.

Абул ФАРОЖ

ИБРАТЛИ НАҚЛЛАР

Шоғирдларидан бири **СУҚРОТ**дан сўрабди:
— Нега чехрангизда ҳеч қачон маҳзунлик аломатини кўрмайсиз? Ҳамиша димоғингиз чоғ?
— Чунки менинг йўқотганимда хафа бўладиган нарсам йўқ-да, — дебди **СУҚРОТ**.

Бир файласуфдан:
— Қандай ҳодиса мамлакатнинг аксарият аҳолисини бараварига хурсанд қила олади? — деб сўрашибди.
— Жоҳил подшоҳнинг ўлими, — деб жавоб берибди файласуф.
— Подшоҳ билан сенинг ўртангдаги тафовут нимадан иборат? — деб сўрашса, у шундай жавоб берибди:
— Подшоҳ ҳиссу ҳаваснинг ғуломи, мен эса амирман.

Бир файласуф машъала кўтариб бораётган қизни кўриб:
— Қаранг! Утга ўт тушибди! — дебди.
Сўқрот бир ой билан йўлга чиққан экан. Йўлда, қароқчи-лар шу ўртада изғиб юришибди, деган хабарни эшитиб қолибди.
— Оббо, худо урди! Улар мени таниб қолса нима бўлади? — дебди бой.
— Оббо, худо урди! Улар мени танимай қолса нима қилман! — дебди **СУҚРОТ**.

Буюк файласуф **БУЗУРГМЕХР**дан сўрашибди:
— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?
— Камтарлик, — деб жавоб берибди у.
— Одамнинг энг яхши хислати сабрли бўлиш, аммо узок вақт сабр қилиш учун бир умр кифоя қилмайди, икки умр керак, — деган экан **БУЗУРГМЕХР**.

Файласуф соҳибжамол бир аёлни театрда кўриб:
— Ҳурилиқо, сен бу ерга томоша кўргани-келдингми ёки томоша кўрсатганими? — дебди.
Афлотун шундай деган экан:
— Нодоннинг нодонлигини икки жихати айтиб туради: биринчидан, гапи тўтруксиз, иккинчидан, жавоби пойма-пой бўлади.

Афлотундан сўрабдилар:
— Бошига кулфат тушган одам ўзига қандай тасалли бериши мумкин?
— Ақли одам: шу воқеанинг содир бўлиши табиий деб ўзига тасалли берса, аҳмоқ: фақат мен эмас, бошқалар ҳам шу кунга тушиши мумкин деб ўзига тасалли беради.

Бир файласуфнинг қизи бор экан. Унга икки киши — бир бой ва бир камбағал совчи юборибди. Файласуф қизини камбағал йигитга берибди. Дўстлари ундан нега бундай қилдинг, деб сўрашса, шундай жавоб қилибди:
— Давлатли йигитнинг эси пастроқ кўринади, ҳадемай мол-давлатидан ажралиб қолиши мумкин. Камбағал йигит эса зийрак ва эсли-хушли экан. Эси бор одамнинг сал вақтда бойиб кетишига ишонса бўлади.
Тўпловчи: Ҳамид АБДУЛЛАЖОНОВ.



Дастурхон атрофида, бир паёла чой устида отагонлар суҳбатига мушарраф бўлишга не етсин.
Андрей Пинженко сурати.

— Азизтон ана, Сиз олам кезган, юрт кўрган, яхши-ёмонни ажратган ақл илмлардан бири сифатида ҳурмат-эътиборга сазоворсиз. Бугун сиз билан ҳаммаҳаллалар, умуман, одамлар орасидаги меҳр-оқибат ҳусусида сўзлашимиз ниятида эдим...

— Марҳамат қилинг! Меҳр-оқибат дунё бунёд бўлгандан бери бор. Акс ҳолда олам емирилиб, парчаланиб кетар эди. Тўғри айтдингиз, меҳр-оқибат жамиятимизни, кишилиқни, ҳатто оламни тутиб турган забардаст устлардан бири.

— Сўзингизни бўламан, муҳтарам домла, мени маъзур тутинг: меҳр-оқибатнинг туғилгани ҳақида сўзланг, илтимос...

— О, албатта! Оқибатни меҳр келтириб чиқаради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтсам меҳр—оқибатнинг онаси! Улар бир бутун тушунча, ахлоқий тушунчадир. Меҳр-оқибатлар ичида энг улуғи устоз меҳри, шогирд оқибатидир. Пир Жомий билан ҳазрати Навоий ўртасидаги меҳр-оқибат илдизлари ҳусусида сўзласам, суҳбатимиз мазмуни яна ҳам ойдинлашар деб ўйлайман.

* Қутлуғ ташириф


Азиз ҚАЮМОВ:

«МАҲАЛЛАДОШЛАРИМДАН ҚАРЗИМ КАТТА»

Дунёнинг тўрт устун бора дейишди: меҳр-оқибат, мурувват, одамийлик, элсаварлик. Шу тўрт устун иқлолларни юрагиде барқарор-ниссонларини ақл башар «пири комиллар» деб алқайди. Алқайдигина эмас, қуёш синари кўнка кўтаргудек бўлади. Ушундай ниссонлар қарда бўлсалар, одамлар кўлига чироқ ёқини, мушкулларини осон қилишни, туз кчган ерига мнинг бор қуллуқ қилганини тадоригини кўрадилар. Йўлбошловчи мисол барчани ўз орқаларидан эргаштирадилар.

Жомий номли маҳаллада яшаб, ижод қилаётган филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, кўни кечагина Беруний номли Давлат мукофотига-сазovor бўлган Азиз Қайумов билан ҳам фикримиз бир жойдан чиқди.

тонини ёзишга киришади. Худди шу йили 70 ёшли мавлоно Жомий ҳам «Лайли ва Мажнун»га қўл уради. Навоий илхоми, қуввати билан. Деврли бир пайтда икки даҳо икки дostonли ёзиб тугаллайдилар. 1485 йилда эса Навоий «Сади Искандрий»ни ёзишга бошлади, Жомий ҳам «Хиродномаи Искандар» дostonини битишга киришади. Шундай қилиб Жомийнинг «Ҳафт авранг» — «Етти тахт» дostonлари китоби дунёга келади. Жомий унинг бештасини яхши деб ҳисоблаб, «Панж ганж» — «Беш хазина» деб атайди. Устознинг меҳрино шогирдининг оқибати, муҳаббату ҳиммат деб бунни айтса бўлади. Улар ижодда ҳамкор, бир-бирларини жуда қадрлар эдилар. Навоий ёзади: «Жомийнинг энг яқин кишиси мениман. Узининг ёзган асарларини биринчи бўлиб менга ўқиб берадилар. Мен бу ила фахр этаменки, ажабланадиган ери йўқ. Чунки гулнинг энг яқин дўсти тикондур. Жомий гул бўлса, мен тиконмен. Қуёш чиққан заҳоти унинг нурлари тупроққа тушади. Жомий қуёш бўлса, мен тупроқмен».



1483 йилнинг бошлари. Жомий ва Навоий узоқ суҳбат курадилар. Суҳбат татаббу боғлаб асар яратиш борасида бўлади. Жомий буюк Низомийнинг «Махзану асror», Хисрав Дехлавийнинг «Матла-ул-аввор» асарлари ҳақида шавқ билан сўзлаб, уларга татаббу боғлаш зарурлигини, шу аснода улуг фикрлар туғилишини, асарлар бир-бирини бойитишини уқтиради.

Орадан узоқ муддат ўтади. Навоий ва Жомий учрашишга фурсат тополмайдилар. Навоий имкон топиб, устоз ҳузурига ошиқади, Жомийнинг уйига келади. Устоз ва шогирд хурсандлик билан суҳбат курадилар. Жомий Навоийга янги муқоваланган китоб тутқзади. Ҳазрат қўлга олиб, кўзга суртиб, қарасаки «Тухфату аҳror» экан! Жомий уни Низомий, Дехлавийга татаббу тарзида битган экан!

Навоийнинг кўнглида ҳам шу кунни ғалаён туғён уради ва «Ҳайратул абror» дostonини ёзади. Жомийнинг меҳрини қаранг: аввал гапириб, кейин ибрат бўлди. Лекин ёз демади! Навоий ҳам «Ҳайратул абror»да ёзади:

Менки тилаб йўлда қўйдим қадам,
Бордир умидимки чу тутсам қалам.
Йўлласса бу йўлда Низомий йўлим,
Қўлласса Хисрав бирла Жомий қўлим.
Нўқта сурудинда раво бўлмагай,
Бу ки Навоийга наво бўлмагай.

Яна бир гап: икки буюк шоир ўртасидаги муносабат меҳр-оқибатнинг назокатли кўринишидир. Навоий Жомийни ҳамсанавислар қаторида тилга олади, унга ўз китобида алоҳида боб бағишлайди.

1484 йилда Навоий «Лайли ва Мажнун» дос-

Жомий ҳам ўз навбатида ёзади: «Навоий бенаволарнинг юрак дордили ифода этарда, унга тенг келадиган одам йўқ. Яхши от чиққанлигида унинг шухрати юксаликка кўтарилган. Бу гафлатларга тўла дунё Навоийдек одамнинг наволарини тинглашга муносиб эмас!»

Мана шу меҳр-оқибат энг улуг асарларни дунёга келтирди.

Маъзур тутинг, мен меҳр-оқибат ҳақида улардан ошириб бир нарсаси дебелмайман. Жомий меҳри ва Навоий оқибати ҳар қандай замонда ҳам барчага ибратдир.

— Ҳикоянгизни ниҳоятда таъсирликиб, юрагим мавж уриб тингладим. Агар малол келмаса, меҳр-оқибат ҳақида ўз ҳаётингиздан, ўзингиз гувоҳ бўлган кишилар ҳақида нима дея оласиз?

— Устозларим жуда меҳрибон эдилар. Минг шукрлар бўлсин, ҳаммаша меҳр билан ёдлайман уларни. Лекин менга меҳр кўргузган бир инсон бор. Уша улуг зот ҳақида сизга сўзлай бугун. Уша киши ҳақида ҳамма билмоғи керак. У киши Усмон Юсупов бўладилар.

Мен Қўқонда ўқиб юрган вақтимда мавлоно Чархий билан учрашиб, суҳбатлашиб турар эдим. Домла Чархий менга адабиётни, шеърятни катта меҳр билан ўргатган. Ушанда шеърлар ҳам машқ қилиб турар эдим.

Уруш бошланиб кетди, Техникумда ўқирдим. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шундай куларда Усмон Юсупов Қўқонга келадилар. У киши Чархий домлани жуда иззат қилар, Қўқонга ҳар борганда кўрмасдан кетмас эдилар. Бу сафар ҳам шу одатни калда қилмадилар. Чархий домла Усмон отага мен ҳақида гапириб, кўп мактаб-

дилар. Тошкентга бориб, ўқиса кошқи дебдилар. Усмон ота мени чақиртирибдилар. Укам Лазизон билан бордик. Бир соатча суҳбатлашдик. Охири Чархий домлага:

— Бу йигит Тошкентга борсин, олиб бординг, — деб тайинладилар.

1944 йилда Чархий домла билан Тошкентга келдик. Тўғри Усмон ота яшайдиган боққа, Дўрмонга бордик. Шу боққа борбон бўлиб ишга жойлашдик. Кўни билан узум узамиз, олма терамиз. Шу алфозда ёз ўтиб, сентябрь етиб келди. Мен дорилфунунинг Шарқ факультети-га ўқишга кирдим.

Яшаш жойим Дўрмонда. Икки соат пиёда юриб Салорга келаман. У ердан трамвайга ўтириб, Инқилоб хиббонига етиб келаман. Ноябрь ойигача шу аҳволда ўқидим. 8 ноябрь кўни Усмон ота мени етаклаб Гоголь кўчасидаги ўз уйига олиб келди. Шу ҳовлида 5 йил, у кишининг ўғли Владлен билан бир хонада 3 йил яшадим. Усмон ота ҳам, унинг рафиқаси Юлия Леонидовна ҳам менга ўз боласидек қарадилар, едириб-ичирдилар, меҳрларини дариг тутмадилар.

1949 йилда дорилфунунни битирдим. Шу кунини Юлия Леонидовнага раҳматлар айтдим. Меҳр-муҳаббатларингиз тўфайли ўқишни битирдим деб дил-дилимдан миннатдор бўлдим.

— Бизга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсанг, — деди Юлия опа, — эл-юрт учун хизмат қил. Шунда бурчингни бажарган бўласан. Худди Усмон акадек. У кишини кўрасанми, ўзини ҳеч аямай, халқим, юртим деб куйиб-пишади. Бўлмаса оиласини боқолмайдими?

Чиндан ҳам Усмон отанинг бир фазилати бор эди: бировга яхшилик қилсалар, яхшилик кўрган кишидан ҳам кўра ўзлари суюнардилар. Гўё Беруний ҳазратининг сўзлари Усмон ота учун ёзилгандек: «Гулчеҳра соқийлар қўлидан қадаҳлар олдим, нозикбадал раққосалар рақсларини томоша қилиб роҳатландим. Лекин жаҳонда тотган ҳеч бир лаззатим мендан яхшилик кўрган кишиларнинг миннатдорчилиги билан боқувчи нигоҳларидан олган лаззатимга етмайди».

Усмон отанинг меҳрига арзигулик оқибат қилолмадим ҳали. Лекин у кишининг ўғитларини бекаму кўст бажаришга ҳаммаша интилиб яшайман.

— Қалби улуг одамларнинг меҳри ҳам улугвор бўлар экан-да! Усмон Юсуповни халқ бежиз ота деб ардоқламаслигига яна бир карра амин бўлдим. Домла, шундай меҳр-оқибат сиз яшаётган маҳалла аҳллари ўртасида ҳам борми! Бор бўлса қанийди...

— Мен Абдураҳмон Жомий номи билан аталдига маҳалланинг Собир Муҳамедов кўчасида яшайман. Кўчамиз унчалик катта эмас. 1955 йилдан бери шу ерда истиқомат қиламан. Ҳаммамиз уй-жойимизни ўз ёғимизга ўзимиз қовури-либ, тупроққа беланиб қуриб олганмиз. 37 йил яшаётганим миёласида кўни-кўшилар бир-бири билан — бўлмаса улар байналмилал, ҳамма миллатдан бор кўчамизда — сан-манга бормаган!

Ўзимнинг 2 ёл кўшним бор. Бирини олиб даргоҳда таълим беради. У киши билан ака-укадекмиз. Кўшнимнинг отасини ҳали ҳам чуқур эҳти-ром билан эслайман. Раҳматли ўз ўғли уй қураётганда қандай жон фидолик қилган бўлса, менинг уйим қурилишига ҳам шундай ҳамкорлик қилдилар. Васият қилиб: «Ўғлим билан ака-ука бўлинглар» деган эдилар. Ҳозир ниҳоятда аҳил яшаймиз. Қани эди, фарзандларимиз ҳам шундай бўлсалар деб орзу қиламан.

Яна бир кўшним Юрий Иванович исмли киши, тотувмиз жуда. Техниканинг тилини билди. Бизга ҳамкор, беиннат ёрдамини дариг тутмайди. Қўришганда бир-биримизни ниҳоятда сийлаймиз.

Лекин мен маҳаллам, маҳалладошларим олдиде қарздорман. Улар мен ойна жаҳонда сўзлаганимда кўпинча: «Шундай яхши гапларни ҳаммаҳаллалар даврасида ҳам айтсангиз, суҳбат курсангиз бўлар экан» дейишади. Хизмат билан бўлиб, сафарларда юриб, ҳали имкон тополмадим шу ишга. Лекин бу гапларни айтиб, ўзини оқлапти деманг! Зинҳор ундай эмас. Мен албатта маҳаллам олдидеги ўз қарзларимни узаман! Қўлдан келганча маҳалладошлар хизматида бўлишим шарт!...

© Маҳалла! Қанчалар кишининг дилига ором берувчи сўзи! Сенинг дилингдаги меҳр-оқибат ипларини одамлар дилларига улаган шу маҳалла эмасми! Яхши-ёмон кўнигиде багардон турадиган маҳалладошларинг эмасми! Улар олдидеги меҳр-оқибатни фақат яхшилик билангина адо этиш мумкин, холос. Зеро маҳалла меҳрининг қуримас бўлоғи, оқибатнинг нурли чироғидир.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Насрий масаллар

СЎНГИ ОРЗУ

— Нега кўринмай кетдинг,
— сўрашди пероли ручкадан,
— Бурчимни ўтаб бўлган-

ман. Вазифамни анчадан бери шарикли номдошим бажаряпди. Энди менга сиёҳдоним билан бирга музейдан озгина жой беришса бўлган.

ИХТИРО

— Мени хўп ўйлаб топиб,
ўринлатиб ясаганда, — гу-

рурланди қалам. — Қўлига олганларнинг истаган сўзларини ёзиб ташлайман.
— Қилган хатларингизни йўқотиш учун мени ҳам ихтиро қилишганини унутма, — деди ўчирғич.

ТОБЛАНИШ


Сандонда шакл берилиб, лаққа чўғда қиздирилгач, му-

дек сувга ботирилган бўлғуси пичоқ нолиди:

— Бунчалик азоб беришмас-а.

— Келгусида номингга яраша вазифангизнинг уддасидан чиқа олишинг учун обдон тобланишинг зарур, — тушунтиришди унга.

Фозилжон ОРИПОВ.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси 32-уй.

Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42.

ЖАМОАТЧИЛИК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.